

## ТИЛ – МИЛЛИЙ ТАФАККУР РАМЗИ ВА ТАМАДДУН ТАРАҚҚИЁТИ АСОСИ

**МОҲИРА ХОЛИҚОВА,**  
Тошкент шаҳар педагогларни  
янги методикаларга ўргатиш  
миллий маркази директори,  
фалсафа доктори, доцент

*Тил билган эл билади.*  
Халқ нақли

*Муайян халқнинг феъл-атворини англаш учун  
унинг тилини ўрганиш зарур.*  
Пифагор

*Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон  
ойинаи ҳаёти тили ва адабиётидур.*  
Абдулла Авлоний

*Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир  
кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, оналаримизнинг  
аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни  
эшитсин, баҳши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тутсин.*  
Шавкат Мирзиёев

Тил инсоният тамаддуни учун чексиз аҳамиятга эга бўлган энг буюк ихтиролардан бири. Тил – миллатнинг руҳи. Миллат бор экан, унинг тили ҳам яшайди.

Тил – концептуал таркибга эга мураккаб белгилар тизими.

Тилнинг базавий функциялари орасида **коммуникатив** (мулоқот), **когнитив** (тафаккур), **кумулятив** (билимларни тўплаш ва сақлаш), **номинатив** (нарс ва объектларни номлаш), **эмотив-экспрессив** (эмоцияни намоён қилиш, муносабат билдириш) кабиларни келтириш зарур.

Тадқиқотчилар томонидан тилнинг маданий ҳодиса, ижтимоий интеракция ҳосиласи эканлиги таъкидланади.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ulbaek, Ib. [The Origin of Language and Cognition](#) // Approaches to the Evolution of Language: Social and Cognitive Bases / Ed. by J. R. Hurford, M. Studdert-Kennedy, C. Knight. — Cambridge: Cambridge University Press, 1998. — 456 p. — [ISBN 0-521-63964-6](#).

Назарий лингвистиканинг асосчиси барон **Вильгельм фон Гумбольдт** (Wilhelm von Humboldt) тил ва миллий руҳнинг яхлитлигини, миллий тафаккурнинг детерминантлигини эътироф этади. Гумбольдт томонидан илгари сурилган лингвистик концепцияда тил **ўз-ўзини ривожлантирувчи организм** сифатида таърифланади.<sup>2</sup>

Дунёда **7000**га яқин тил бор.<sup>3</sup> Она тилида мулоқот ҳажмига кўра **хитой, хинд, инглиз, испан, араб, португал, рус** тилларининг миқёси баланд.

Тил мавжудлигининг асосий шартларидан бири ёзувдир. Ёзув тилнинг **фонетик, грамматик, синтактик, семиотик тизими**, ёзма белгилари (графема, иероглиф, пиктограмма) тўплами. Ёзув тилни тартибга солиш, чексиз ҳажмдаги маълумотларни сақлаш, кўпайтириш ва тарқатиш воситасидир. Илк ёзувлар эрамиздан олдинги тўртинчи мингйилликда **(Месопотамия, Шумерлар давлати)** вужудга келган.<sup>4</sup>



Ҳар бир тил шу тилда сўзлашувчи миллат, этноснинг бебаҳо бойлиги, ифтихори, нажоти. Тил миллатнинг маънавияти, маданияти, когнитив тасаввурлари, миллий менталитети, ўзига хослиги, турмуш тарзи, урф-одати, этнопсихологияси, феъл-атворини англатади. Фольклор, ҳикматли сўзлар, мақоллар, дostonлар, кўшиқлар, илмий ва бадий асарлар миллатнинг она тилида дунёга келади.

**Глобаллашув, ахборот жамияти, техноген тараққиёт** тилларнинг мавжудлигига ҳам жиддий таҳдид солмоқда.

**Форсайт-таҳлилларга** кўра, сайёрамизда мавжуд тилларнинг **90 %**и йўқолиб кетиш арафасида турибди. Уларга нисбатан фанда **endangered languages** (йўқолиб кетаётган тиллар) деган махсус атама қабул қилинган.

Тилнинг йўқолиши умуминсоний тамаддун учун мислсиз катта йўқотишдир. Зеро ҳар бир тил ушбу тилда сўзлашувчи миллат, элат, этноснинг маданий меросининг яхлит бўлагидир.

Дунёда мавжуд тилларнинг **96%** да атиги **3%** дунё аҳолиси мулоқот қилади. **Папуас** гуруҳига мансуб **итери** тилида **400**га яқин сўзлашувчи қолган.

<sup>2</sup> Вильгельм фон Гумбольдт. Избранные труды по языкознанию. М.: Прогресс, 2000. - 400 с.

<sup>3</sup> Бурлак С. А., Старостин С. А. Сравнительно-историческое языкознание. — М.: Издат. центр «Академия», 2005. — 432 с. — ISBN 5-7695-1445-0.

<sup>4</sup> Рудик, Надежда. Мир в равновесии: древнейшие шумерские заклинания // Троицкий вариант : журн.. — 2019. — № 1(270) (15 января). — С. 10–11, 13.

360 тилда 50 нафардан кам сўзлашувчи қолган. Масалан, ғарбий чад тили **зангвал** (zangwal) да 40 га яқин сўзлашувчи қолган.

Австралия аборигенларининг тили бўлмиш **тыввалида** охирги сўзлашувчи **Джек Батлер** қолган. **Фанни Кокрейн Смит** Тасманиянинг сўнгги аборигенларидан бири.

**Гризельда Кристин** лив тилини тўлиқ ўзлаштирган ягона вакили эди. Унинг вафотидан сўнг ер юзида лив тилида тўлақонли сўзлаша оладиган инсон қолмади.<sup>5</sup>

**Итери, караим, айн, карух, кехи, алеут, атна, сери, сиуа, тмесса, туат, тяпукай, уичита, хайда, уру, манси, нгваба, ючи, онгота, нихали, горора, вирангу, ритх, орок,**<sup>6</sup> пума тилларида сўнгги сўзлашувчилар қолган.



**ЮНЕСКО** томонидан яратилган йўқолиб бораётган тилларнинг **Қизил китоби** (*Red Book of Endangered Languages*)<sup>7</sup> жаҳон ҳамжамияти эътиборини умумбашарий тамаддун, тиллар, маданий ҳилма-ҳилликни сақлаб қолишга қаратилган.

Дунё тиллари орасида **ареали** (тарқалиш ҳудуди) жуда кенг бўлган туркий тиллар, хусусан, **ўзбек тилининг** ўз ўрни ва мақоми бор.

Бугунги кунда ер юзида ўзбек тилида сўзлашувчилар сони қарийб 50 миллион кишини ташкил этади. Ўзбек тили **Ўзбекистон** ҳудудидан ташқари **Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия, Туркияда** кенг тарқалган. Ўзбек тили лексик-грамматик жиҳатдан **уйғур тили ҳамда чигатой гуруҳига яқин туради.** Ўзбек тилининг лексик-грамматик қатламига **араб ва форс** тилининг кучли таъсири мавжуд. Тилнинг генезисида **қарлук, кипчоқ, ўғуз диалектлари** иштирок этган.

Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг мавқеини юксалтириш йўлида **Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Шайхзода Атойи, мавлоно Лутфий, Саккокий, Хожа Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Носириддин Рабғузий, Мунис Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Захириддин Бобур, Хофиз Хоразмий, Хусайн Воиз Кошифий, Аваз Ўтар, Фурқат, Муқимий** каби мутафаккирлар беқиёс ҳисса қўшдилар.

Бу йўлда кутлуғ ҳаракат буюк мутафаккир **Алишер Навоий** ижодида оламшумул ғалаба билан яқунланди. Улуғ аллома ўзининг **“Ҳамса”, “Муҳокамат-ул луғатайн”** каби шоҳ асарларида туркий халқларнинг жаҳон цивилизациясидаги тутган ўрни ва оламшумул вазифаси ҳақидаги таълимотни ярата туриб, туркий тилимизнинг бутун Туронзаминга сочилиб кетган сўз,

<sup>5</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki>

<sup>6</sup>[https://ru.wikipedia.org/wiki/Категория:Вымирающие\\_языки](https://ru.wikipedia.org/wiki/Категория:Вымирающие_языки).

<sup>7</sup>Мозли, Кристофер, изд. 2010, Атлас языков мира под угрозой исчезновения, Париж, Издательство Юнеско. Электронная версия: <http://www.unesco.org/languages-atlas/en/atlasmap.html>

лаҳжалари бойликларини тўплаш, авайлаб-асраш, такомилга етказиш, уни юксак адабиёт, санъат, илм-фан ва сиёсат даражасига кўтариш борасида сайъ-ҳаракатлар қилиш зарурлигини уқтирган ҳолда, ўзи бунга бутун ижоди давомида тўла риоя қилган.

Шоир “**туркий ва сорт луғати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисола ни жам қилиб битдим**”, дея ўзининг бу муаммони ҳал қилишдаги тарихий вазифани юксак бажарганидан фахрланиб, шундай ёзган эди:



**Турк назмида чу тортиб мен аълам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам.  
Низомий олса Барда бирла Ганжа,  
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа.  
Чекиб Хусрав дағи тиғи забонни,  
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни,  
Яна Жомий Ажамда урса навбат,  
Арабда доғи ўлса кўси шавкат,  
Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.**

*Давлат тили - сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда маълум бир давлатда интеграция (бирлаштирувчи) вазифасини амалга оширадиган, шунингдек ушбу давлатнинг рамзи саналадиган тилдир (ЮНЕСКО).*

“**Давлат тили**” тушунчаси давлатнинг тарихий тараққиётини англатиб, мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг якдил давлат ва давлатлараро мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилади.

Давлат тили жамият ҳаётининг барча соҳаларида қўлланиши шарт, деб эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат тили ҳақида**”ги Қонуни 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг 1-моддасида *Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили эканлиги ва Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминланиши* белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди ҳамда фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат тилларига ҳурмат кўрсатилади ва уларнинг ривожини учун шароитлар яратлади.

Таъкидлаш лозимки, сайёрамиздаги **7000 га** яқин тилнинг ҳар бир тил ҳам давлат тили мақомига эга эмас, **200** тасигина давлат тили сифатида қабул қилинган.

Тил ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Тилларни сақлаб қолиш халқнинг маънавияти, маданияти, миллий тафаккури, урф-одати, тарихининг сақланиб қолинишини англатади. Чунки халқ тақдирини билан бевосита боғлиқ.

Тил мамлакат тараққиёти ва келажагини белгилайди.

Мазкур контекстда тилимизнинг нуфузи ва мавқеини юксалтириш, фуқароларда давлат тилига нисбатан ижтимоий фаоллик, масъулият ҳиссини кучайтириш муҳимдир.

Шунингдек, тилнинг келгуси равнақига оид концептуал ва прагматик муаммоларнинг ечимига қаратилган **фундаментал, амалий тадқиқотлар** долзарб аҳамиятга эга:

- **тил генезиси, таксонлар;**
- **диалектология;**
- **тарихий тилшунослик;**
- **компаративистика;**
- **таржимашунослик;**
- **диахроник-дескриптив таҳлиллар;**
- **лингвистик локал карталар, атласлар;**
- **тезаурус, глоссарий, луғатлар яратиш;**
- **лексик қатламдаги неологизмлар, интернационал лексика;**
- **идиолектлар, идиомалар, пиджинлар, субстратлар муаммоси;**
- **тиллар конвергенцияси;**
- **глобаллашув контекстида маданиятлараро мулоқот компетенциялари;**
- **киберлингвистика;**
- **раҳбарнинг нутқ маданияти;**
- **шахслараро муносабатларда муомала этикаси;**
- **шахс ижтимоийлашувида нутқ кўникмаларининг ўрни.**

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир. Шунинг учун уни авайлаб-асраш учун ҳаммамиз масъулмиз.